

ФИТРАТ ПЕДАГОГИКАСИДА МИЛЛАТ ҚАЙҒУСИ

Рустамова Дилафруз Азматовна

Навоий вилоят Нурли маскан мактаб-интернати Тарих фани ўқитувчиси

Анатация: Абдурауф Фитрат XX аср ўзбек адабиётиниг ривожланишига ўлкан хисса қўшган ёзувчи, тарихчи, адабиётшунос, тилшунос, санъатшунос, олим таржимон ва шу билан бирга биринчи ўзбек профессори.

Калит сўзлар. Жадид. Янги услугуг иактаблари. Мадраса. Маънавий мерос.

Фитрат ўзининг ижтимоий фалсафий ғоялари билан Туркистонда жадаллик билан ривожланиб келаётган жадидчилик ҳаракатини ривожига ўлкан хисса қўшди. У даслабки маълумотни эски усул мактабида сўнгра эса Бухородаги Мир Араб мадрасасида таҳсил олди. 1902-1903-йиллардаги хаж сафари муносабати билан Туркия, Хиндисон, Арабистон мамлакатларида бўлади ва у ернинг илм маъорифини ўрганади ва ўз дунёқарашини ривожлантириб боради ва шу билан бирга мадрасада араб, форс, турк тилларини мукаммал ўрганади. Фитрат ўша пайтларда ривожланиб келаётган жадидчилик ҳаракатига қаршилик қиласи кейинроқ эса бу ҳаракатнинг мазмун моҳиятини мақсадини тушунгач бу ҳаракатнинг илғор тарғиботчиларидан бирига айланади.

Бу ҳақида у бир қанча маълумотларни келтиради. Фитрат таржимаи ҳолини ўрганадиган бўлсак унда миллат ватан қайғуси билан бир қаторда ёшларга замона илми талаб этадиган таълим тарбия бериш уларни чет мамлакатларда ўқитиш ва бошқа бир қанча керакли маълумотларни айтиб ўтади. 1909-1913-йилларда Фитрат Туркияда яшайди ва у ерда таҳсил олиши билан бир қаторда ёш турклар таъсири натижасида ёш бухороликлар ёрдамида “Бухоро таълими маъорифи жамиятини”ни тузади. Бу жамият Туркисон ёшлари маорифини олға силжишига доир муҳим ишларни амалга оширади.

XX аср бошларида Туркисонда бир нечта ижтимоий гурӯхлар миллатни илм маърифатли зиёли қатламини ривожлантириш борасида ўз жамиятларини тузиб уни ривожлантириб замона илми маърифатидан хабардор этиб бордилар. Шундай жамиятлардан бири Бухоронинг келажаги тўғрисида қайғурган бир гуруҳ маърифатпарварларимиз томонидан тузилган “Тарбияти атфол” (“Болалар тарбияси”) жамиятини тузадилар. Бу хайрия жамияти ёшларга замон талаблари асосида таълим бериш орқали миллатни халқни илм-маърифат сари бошлаган.

1909-йил Фитрат “Тарбияти атфол” жамиятини ёрдами натижасида Туркияга ўқишига жўнатилган даслабки беш истедодли туркистонлик ёшларнинг бири сифатида Истанбулга ўқишига юборилади. Бу ҳақида унинг замондошларидан бири Фитрат ҳақида маълумот бера туриб “Фитрат бу талabalarning энг истедодлиси ва энг фозили эди” -деб ёзади.

Фитрат 1917-йил феврал ва октябр оралиғида Туркистондаги инқилобий кучларнинг ривожланиши натижасида миллатга қаратаги фикрини баён этади “Туркистон мусулмонлари келинг аллоҳ номи билан пайғамбар, дин, миллат номи билан бирлашайлик биздаги мавжуд даъволар ва синфий бўлинишларга кўзимизни юммайлик. Исломнинг бош амри



номи билан биродарлик ва бирлик номи билан Аллоҳ учун дин ватан ва миллат учун биз барчамиз -жадидлар, қадимийлар, миллат ва бойлар бирлашайлик бир жойга йиғилиб бир-бири мизга ёрдам берайлик" дея асосли сўзларини баён этган.

Фитрат Тошкентда ҳам бир қанча жамиятларнинг тараққиёти учун бирмунча ишларни амалга оширади ва бу йўлда унинг энг катта хизматларидан бири "Чигатой гурунги"ни йўлга қўйиши эди.

Фитратнинг сай ҳаракатлари натижасида Бухорода турк (ўзбек) тилини ташкил этилиши эди ва у 1926-1929-йилларда ўзбек алифбосини ўзгартиришдаги бир қанча илмий ташкилий ишларда фаол иштирок этади.

Умуман олганда Фитрат ўз ижодида тилшунослик ва адабиётшуносликка ҳам кенг маънода урғу бериб уни чет тиллардан ўзлашган сўзлар ҳисобига бойитиш эмас уни ўз тилимизнинг қадимий туркий сўзлари билан бойитиш ва шу билан бирга ўзбек тилини имло қоидасига бойлиги ва соғлиги борасида ва уни морфологик ва граматик имло қоидасини тузилишини ўрганиш ишини бошлаб берди ва бу соҳада тамал тошини қўйди.

У тилимизнинг ривожланиб бораётган ибратли жиҳатларини қўллаб қувватлаб иллат ва камчиликларини ўйлаб чуқур қайғуга ботади. Бу хусусида бир қанча рисола дарслерни мақолалар ёзди ва уларда асослаб берди. "Биламизки, бизнинг шахарларимиз юзлаб йиллардан бери араб форс адабиётининг хукми остида яшайдир. Шунинг учун бизда шаҳар тили бузулгандир2" -деб ўз мақолаларидан бирида ёзади.

Фитратнинг тилшуносликка оид рисолаларини таҳлил қиласиган бўлсак унда миллатни миллат даражасига қўтарилиб ривожланишида ҳар бир ҳалқнинг ҳар бир миллатнинг ўз соғ она тили бўлиши ва бу тилнни ўз ички имкониятлари ҳисобидан ривожлантириб бойитиб сайқаллаб туриш даркор йўқса бу тил ўзининг лисоний ботқоғига ботиб йўқолиб кетиши мумкин .

"Фитратнинг ўзбек миллий тили ривожи учун олиб борган назарий ва амалий фаолиятини Навоийдан кейинги даврда шу йўналишда олиб борилган энг йирик ва энг кўламли фаолият сифатида баҳолаш мумкин"

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ Абдурауф Фитрат ва жадидлар илмий меросини ўрганиш борасида бир қанча илмий ишлар амалга ошиди ва оширилмоқда. 1991-йилнинг 25-сентябрда Фитратга Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти берилди ва Бухоро шаҳрида уй музейи ва Фитрат боғи ташкил этилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, улуғ аллома ва олим Абдурауф Фитрат қолдирган улкан маънавий мерос ҳамиша ёш авлодга миллат ва ватан маъсулиятини англатиб туради.

Фойдаланилган Адабиётлар

1. Вадуд Махмуд "Танланган асарлар" Тошкент 2007.
2. Хамидулла Болтабойев "фитрат ва жадидчилик" Тошкент 2007.
3. Бегали Косимов "маслакдошлар Веҳбудий, Ажзий, Фитрат." Тошкент шарк' 1994.

